Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1995 йил 11 апрель, сешанба №44 (21.807.) Сотувда эркин нархда.

СУХАРТО:
ЎЗБЕКИСТОНДА БУЮК ЎЗГАРИШЛАР ГУВОҲИ БЎЛДИМ

СУРАТЛАРДА: 1. Меҳмонни аэропортда расмий кутиб олиш маросими. 2. Ҳужжатларни имзолаш пайти.

УЧРАШУВ ВА МУЛОҚОТЛАР

8 апрель куни Индонезия Республикаси Президенти Сухарто расмий ташриф билан Тошкентга келди.

Тошкент аэропортида юксак мартабали меҳмон шарафига Индонезия ва Ўзбекистон Республикаси Давлат байроқлари кўтарилди.

Аэропортда Индонезия Президенти Сухарто ва унинг рафиқасига Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов рафиқаси билан пешвоз чиқди. Миллий либосдаги қизлар юксак мартабали меҳмонларга баҳорий гуллар тақдим этдилар.

Шундан сўнг икки давлат Президентлари шоҳсупага кўтарилди. Индонезия ва Ўзбекистон Республикалари Давлат мадҳиялари янгради. Сухарто ва Ислом Каримов миллий гвардиячиларнинг фахрий қоровули сафи олдидан ўтдилар.

Аэропортнинг муҳташам биносида меҳмонлар хорижий мамлакатларнинг Ўзбекистондаги ваколатхоналари раҳбарлари билан саломлашди.

Сўнгра Президентлар расмий делегация аъзолари билан танишдилар.

Аэропортда Ўзбекистон ва Индонезия Республикалари Президентларининг қисқа мулоқоти бўлиб ўтди. Мамлакатимиз раҳбари олий мартабали меҳмонни ўзбек заминида қизғин қутлаб, унинг ташрифига муваффақиятлар тилади.

Индонезия ва Ўзбекистон Республикаси Давлат байроқлари рамзи ўрнатилган автомашиналар карвони юксак мартабали меҳмон учун ажратилган қароргоҳга йўл олди. Тошкентнинг асосий кўчалари ва майдонларида икки дўст мамлакат байроқлари ҳилпирайди. Халқлар дўстлигини, меҳмонларни олқишловчи икки тилда битилган шиорлар кўчалардаги байрамона руҳга янада кўтаринкилик бахш этади. Меҳмонларни минглаб шаҳарликлар ва пойтахт меҳмонлари олқишладилар.

Шаҳар ташқарисидаги қароргоҳда Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов билан Индонезия Президенти Сухарто ўртасида яккама-якка суҳбат бўлиб ўтди.

БУЮК ШОИРГА ЭҲТИРОМ

Индонезиялик мўътабар меҳмон ташрифи дастури Алишер Навоий боғида, буюк бобокалонимиз ҳайкали пойига гуллар қўйиш билан давом этди.

Алишер Навоийнинг ўлмас асарлари бугунги кунда жаҳондаги ўнлаб тилларга таржима қилинган. Индонезияликлар ҳам буюк шоир ижодидан ана шундай таржималар орқали баҳраманд бўлиб келмоқда. Бобокалонимиз бундан беш аср муқаддам «Жаҳон аҳли, билингиз, иш эмас душманлиг, ёр ўлунг бир-бирингизгаким, эрур ёрлиғ иш» деб хитоб қилган эди. Мамлакатимиз раҳбарияти юргизаётган ташқи сиёсат бу ҳикматли сўзларга садоқат намунасидир.

Президент Сухарто буюк шоирни ҳурмат ва эъзоз билан ёд этди. Бу ерда тўпланган жамоатчилик вакиллари икки мамлакат раҳбарларига бўлажак музокараларда муваффақият тиладилар. Дўстлик ришталари янада мустаҳкамланишига умид билдирдилар.

МУЗОКАРАЛАР

Индонезия давлат раҳбари Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ҳамроҳлигида пойтахтимизнинг муҳташам Халқлар дўстлиги саройига келди. Бу ерда икки давлат расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокаралари бошланди.

— Индонезия масофа жиҳатидан биздан анча йироқ бўлсада, маънавий жиҳатдан жуда яқин мамлакатдир, — деди Ислом Каримов, Президент Сухарто жанобларини юртимизга ташрифи билан яна бир карра қутлар экан. Зеро, Индонезия Ўзбекистон истиқлолини биринчилар қаторида тан олди. Мамлакатимиз билан иқтисодий, сиёсий, маданий алоқалар ўрнатишга киришди. 1992 йилда Индонезияга ташрифимиз чоғида мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларнинг ҳуқуқий асослари яратилди.

Ўзбекистон раҳбари музокаралар чоғида мамлакатимиз Индонезия билан алоқаларни янада ривожлантириш тарафдори эканини қайд этди. Хусусан, тўқимачилик саноати, ўсимлик мойи, чой қадоқлаш соҳасидаги ҳамкорлик истиқболли эканини, бу борада қўшма корхоналар ташкил этиш ўзаро манфаатли бўлишини таъкидлади.

Индонезия Президенти ўзаро ҳамкорликни кенгайтириш юзасидан Президент Ислом Каримов билдирган таклифларни маъқуллади. Имзоланган ва имзоланажак ҳужжатларнинг амалга татбиқ этилиши ғоят муҳим эканига эътибор қаратди.

— Индонезия Ўзбекистонда пахтадан ип йигирадиган қўшма корхоналар қуришдан айниқса, манфаатдордир, деди жаноб Сухарто. — Шунингдек, ўзаро ҳамкорликнинг ривожини таъмин этувчи консорциумлар ташкил этиш ҳам мақсадга мувофиқ.

ҲУЖЖАТЛАР ИМЗОЛАНДИ

Расмий музокаралар ниҳоясида Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ва Индонезия Президенти Сухарто Ўзбекистон Республикаси билан Индонезия Республикаси ўртасидаги муносабатлар ва ҳамкорлик тамойиллари тўғрисидаги қўшма баённомани имзоладилар.

Ўзбекистон ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов ва Индонезия ташқи сиёсат маҳкамаси раҳбари Али Алатас Ўзбекистон Республикаси билан Индонезия Республикаси ҳукуматлари ўртасидаги сайёҳлик соҳасидаги ҳамкорлик ҳақидаги меморандумга ҳамда икки мамлакат пойтахтлари оралиғида самолётлар қатновини йўлга қўйиш тўғрисидаги ҳукуматлараро битимга имзо чекдилар.

— Дўстлик ва ҳамкорлигимиз улуғ аждодларимиздан меросдир, деди Ислом Каримов музокаралар якунлари юзасидан журналистлар саволларига жавоб қайтарар экан. — Буюк бобокалонларимиз ва уларнинг мероси Индонезия халқи томонидан эъзозланишидан фахрланамиз. Бугун имзоланган ҳужжатлар ана шу азалий алоқаларни янада ривожлантиришга хизмат қилиши шубҳасиз.

Индонезия Президенти Сухарто жаноблари ҳам имзоланган ҳужжатларнинг ғоят муҳимлигини таъкидлади.

— Мен Ўзбекистонга 1989 йилда ҳам ташриф буюрганман, деди жаноб Сухарто. — Бироқ, бу гал мен ўз истиқлолини қўлга киритган Ўзбекистонга келдим. Ўтган қисқа муддат ичида қанчалар буюк ўзгаришларни амалга оширганингизга гувоҳ бўлиб турибман. Мен Ўзбекистоннинг истиқболига ҳамда дўстлик ва ҳамкорлигимиз янада ривож топишига ишонаман.

ТАНИШУВ

9 апрель куни Индонезия Президенти Сухарто замин сайқали Самарқанд сафарида бўлди.

Олий мартабали меҳмон Шарқнинг буюк алломаларидан бири, улуғ муҳаддис Имом Бухорий мажмуини зиёрат қилди. Зиёратгоҳни обод этиш борасида олиб борилаётган ишлар билан қизиқди. Муборак қадамжода Индонезияда нашр этилган 300 дона Қуръонни топшириш маросими бўлиб ўтди.

Индонезия давлат раҳбари Амир Темур мақбарасини зиёрат қилар экан, ташрифи буюк соҳибқирон таваллуд кунига тўғри келганидан мамнуният изҳор этди. Сўнгра Президент Сухарто афсонавий Регистон майдонини, Шоҳизинда ёдгорлигини, буюк мунажжим Мирзо Улуғбек расадхонасини бориб кўрди.

Самарқанд сафарида Индонезия Президентига Ўзбекистон Бош вазири А. Муталов, ташқи ишлар вазири А. Комилов, вилоят ҳокими П. Абдураҳмонов, Самарқанд шаҳри ҳокими А. Носиров ҳамроҳлик қилдилар.

***

10 апрель куни мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Индонезия Президенти Сухарто Президент Ислом Каримов ҳамроҳлигида Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасига ташриф буюрди.

Меҳмонлар бирлашмадаги ишлаб чиқариш жараёни билан танишдилар, ўзаро ҳамкорлик ўрнатиш борасида фикрлашиб олдилар.

Шу куни Индонезия Республикаси Президенти Сухартони расмий кузатиш маросими бўлди.

Аэропортнинг муҳташам биносида меҳмонлар расмий делегация аъзолари ва хорижий мамлакатларнинг Ўзбекистондаги ваколатхоналари раҳбарлари билан хайрлашдилар.

Индонезия ва Ўзбекистон Давлат байроқлари билан безатилган Тошкент аэропортида олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортди.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ва Индонезия Президенти Сухарто шоҳсупага кўтарилдилар.

Индонезия ва Ўзбекистон Республикалари Давлат мадҳиялари янгради.

Президент Сухарто Ислом Каримов ҳамроҳлигида миллий гвардиячиларнинг фахрий қоровули сафи олдидан ўтди.

Шундан сўнг Индонезия Президенти Сухарто бошлиқ делегация Тошкентдан Ашгабадга жўнаб кетди.

Тошкент аэропортида Президент Сухарто ва унинг рафиқасини Ислом Каримов рафиқаси билан, Ўзбекистон Олий Мажлиси Раиси Э. Халилов, Бош вазир А. Муталов, Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Б. Ғуломов, Бош вазир ўринбосари Ў. Султонов, ташқи ишлар вазири А. Комилов, Тошкент шаҳри ҳокими К. Тўлаганов ва бошқа расмий кишилар кузатиб қолдилар.

Кузатувчилар орасида Индонезия Республикасининг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Ҳасан Абдулжалил ҳам бор эди.

(ЎзА).

Президент Сухартонинг Самарқандда бўлиши.

ЎзА олган суратлар.

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

Суратда: қабул пайти.

Р. НУРИДДИНОВ (ЎзА) олган сурат.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 10 апрель куни Германия Федератив Республикасининг мамлакатимиздаги фавқулодда ва мухтор элчиси Карль Хайнц Кунани унинг илтимосига кўра қабул қилди.

Мамлакатимиз раҳбари мулоқот чоғида Ўзбекистон ва Германия ўртасида ҳар томонлама ҳамкорликнинг тобора ривожланиб бораётгани хусусида сўзлади.

— Ўзбекистон делегациясининг Германияга расмий ташрифи чоғида имзоланган ҳужжатлар икки давлат ўртасидаги ҳамкорликнинг ҳуқуқий асосларини яратиш имконини берди, — деди Ислом Каримов. — Ишончим комилки, ГФР Федерал Президенти Роман Герцог жанобларининг мамлакатимизга ташрифи ана шу алоқаларни янги поғонага кўтаришга хизмат қилади.

Карль Хайнц Куна самимий қабул учун республикамиз раҳбарига миннатдорлик изҳор этар экан, ўз мамлакати Президентининг бўлажак ташрифи Ўзбекистон ва Германия ўртасидаги ҳар томонлама муносабатлар ривожига катта ҳисса қўшишига умид билдирди.

Қабул маросимида Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири А. Комилов қатнашди.

(ЎзА).

Расмий ташриф муносабати билан

ГЕРМАНИЯ ФЕДЕРАТИВ РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ФЕДЕРАЛ ПРЕЗИДЕНТИ РОМАН ГЕРЦОГ

1934 йил 5 апрелда Бавария ўлкасининг Ландсхут шаҳрида туғилган.

Ҳуқуқий билим олган: 1957 йилда Мюнхен университетининг ҳуқуқ факультетини битирган. 1964 йилда ҳуқуқ бўйича докторлик диссертациясини ҳимоя қилган.

1970 йилда христиан-демократлар иттифоқига аъзо бўлиб кирган ва сиёсий фаолият билан шуғуллана бошлаган. 1971 йилгача илмий ва педагогик иш билан банд бўлган.

1971 — 1973 йиллар — Рейнланд-Пфальц ўлкасидаги Шпайер шаҳрида маъмурий фанлар институтида профессор, ректор бўлиб ишлаган.

1973 — 1978 йиллар — Рейнланд-Пфальц ўлкасининг Германия федерал ҳукуматидаги мухтор вакили.

1978 — 1980 йиллар — Баден-Вюртемберг ўлкаси ҳукуматида маданият, маориф ва спорт вазири.

1980 — 1983 йиллар Баден-Вюртемберг ўлкаси ҳукуматида ички ишлар вазири.

1983 — 1987 йиллар — ГФР конституциявий суди раисининг ўринбосари.

1987 — 1994 йиллар — ГФР конституциявий судининг раиси.

1994 йил 23 майда Германия Федератив Республикасининг Федерал Президенти этиб сайланган.

Оилали, икки ўғли бор.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги матбуот шўъбаси.

САМИМИЙ ТАБРИК

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов жанобларига

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич,

Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимидаги ваколатларингиз муддати узайтирилгани билан Сизни табриклайман. Бўлиб ўтган референдум якунлари мустақил Ўзбекистон аҳолиси Сиз ўтказаётган ўзгартишлар йўлини кенг қўллаб-қувватлаётганини ишонарли тарзда намойиш этди. Мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик, ҳар томонлама ҳамкорлик, яқин шериклик муносабатлари Россия ва Ўзбекистон халқларининг бахт-саодати, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигини, халқаро тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш йўлида бундан буён ҳам ривожланаверишига ишонаман.

Ҳурмат билан,

Борис ЕЛЬЦИН,
Россия Федерацияси Президенти.

ТАДБИРКОРЛИК РИВОЖИГА БАҒИШЛАНДИ

Республика Вазирлар Маҳкамасида «Инвестиция муассасалари фаолияти ва Ўзбекистон иқтисодиётига сармояларни жалб қилиш» мавзусида семинар-кенгаш ўтказилди. Унда хорижлик тадбиркорлар, республикамиз вазирликлари ва идоралари вакиллари қатнашди.

Семинар-кенгашда жаҳон ҳамжамияти мамлакатимизнинг бозор муносабатларини шакллантиришга қаратилган иқтисодий сиёсатини маъқуллаётгани таъкидланди. Шу йил бошида халқаро валюта жамғармаси республикамизнинг иқтисодий тараққиёт дастурини қўллаб-қувватлаш учун 74 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратди. Март ойида эса жаҳон банки директорлар кенгаши Ўзбекистон учун 160 миллион доллар миқдорида кредит ажратишга қарор қилди. Тадбирда халқаро молиявий ҳамда иқтисодий ташкилотлар, айрим донор мамлакатларнинг 1995 йилда Ўзбекистон иқтисодиётини қўллаб-қувватлаш учун сарфлашни режалаштираётган маблағи қарийб бир миллиард АҚШ долларини ташкил этиши қайд этилди.

Семинар-кенгашда Марказий Осиё — Америка жамғармасининг президенти ва ижрочи директори Ричард Бернстром, жамғарма вице-президенти Патрик Дики кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантириш юзасидан ўз ташкилоти амалга ошираётган ишлар, Ўзбекистон билан ҳамкорлик режалари хусусида сўзлаб берди.

(ЎзА).

Хабарингиз борми?

«ЛАЗЗАТ» ИШ БОШЛАДИ

Гулистонда йилига 80 миллион шиша ичимлик тайёрлаш қувватига эга бўлган «Лаззат» яхна ичимликлар корхонаси иш бошлади.

Ҳозирча бу ерда соатига 24 минг шиша «Лаззат» чанқовбости ичимлиги ишлаб чиқирилаётир. Эндиликда гулистонликлар «Саратон», «Тархун» сингари халқимизга манзур бўлиб қолган ичимликларни ҳам ўз шаҳарларида тайёрлай бошлашди. Тез орада корхона тўлиқ қувват билан ишга тушгач, вилоят иқтисодининг ривожланишига салмоқли ҳисса қўшадиган бўлади.

Корхонанинг ишга туширилиши маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, вилоят ҳокими Ғ. Ҳасанов иштирок этдилар.

Абдужалил УМАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ХДП ҳаётидан

БУТУН ЖАМОА БЎЛИБ...

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ. Тўрткўл туманидаги «Тўрткўлнинг 120 йиллиги» номли хусусийлаштирилган савдо дўконининг бутун жамоаси Ўзбекистон ХДП аъзолигига қабул қилинди. Дўконнинг 25 нафар ходими партия Дастури ва Низоми билан батафсил танишиб чиққач, шундай қарорга келдилар. Туман партия кенгаши улар ташаббусини қўллаб-қувватлади.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Галабанинг 50 йиллиги олдидан

КЕНГ КЎЛАМЛИ ТАДБИРЛАР

Ўзбекистон ХДП Хоразм вилояти кенгаши, фахрийлар ташкилотлари уюшмаси ва «Маҳалла» хайрия жамғармаси фаолларининг қўшма йиғилиши бўлди. Уни ХДП вилоят кенгаши биринчи котиби Ғ. Машарипов очди. Унда Ғалабанинг 50 йиллиги муносабати билан ўтказиладиган тадбирлар тўғрисидаги масала кўрилди.

Йиғилишда сўз олганлар мамлакатимизда уруш қатнашчиларига кўрсатилаётган ғамхўрлик, Республика Президенти ва ҳукуматининг бу борадаги Фармон ва қарорларининг вилоятда бажарилиши хусусида, Ғалабанинг 50 йиллиги олдидан ҳамда байрам арафасида бўладиган тадбирлар тўғрисида фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Қўшма йиғилиш қарори билан кенг кўламли тадбирлар режаси тасдиқланди.

Қурбон МУҲАММАДРИЗО,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ФАХРИЙЛАРНИ ЭЪЗОЗЛАБ...

САМАРҚАНД. Вилоят партия ташкилотлари Ғалабанинг 50 йиллиги олдидан ибратли тадбирларни амалга оширмоқдалар. ЎзХДП вилоят кенгаши матбуотда эълон қилинадиган публицистик асарлар учун танлов эълон қилди.

Нуробод туман партия кенгаши халқ таълими бўлими билан ҳамкорликда жангчи муаллимлар сухбатини уюштирди. Туман марказида жангчи-муаллимлар боғи ташкил этилди.

Қўшработ тумани партия кенгаши ишбилармонлар, тадбиркорларни уруш қатнашчилари оилаларини оталиққа олишга жалб қилди. Каттақўрғон шаҳрида эса партия кенгаши ташаббуси билан уруш даври мавзуида кўргазма уюштирилди. Унда жангда қатнашган 15 минг нафар каттақўрғонликнинг ҳаёти ҳақида ҳужжатлар, фотосуратлар тўпланган.

Фармон ТОШЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Қадрият

ҚАРШИДА КОНФЕРЕНЦИЯ

Қашқадарё вилоят ҳокимлиги Амир Темур жамғармаси маънавият ва маърифат жамоатчилик маркази томонидан Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишланган илмий-амалий конфернеция уюштирди.

Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Исмоил Козимов анжуманни очар экан Амир Темурнинг жаҳон жангномаси тарихида тутган ўрни ва унинг маданий-маърифий фаолияти ҳақида тўхталди. Анжуманда сўзга чиққан Маҳмуд Худойқулов, Обод Жўрақулов, Поён Равшанов сингари тарихчи ва қаламкашлар соҳибқиронинг саркардалик маҳорати, давлат арбоби сифатидаги жиҳатлари, унинг Қашқадарёда ва Марказий Осиё тарихида тутган ўрни хусусида маъруза қилдилар.

Илҳом КАРОМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Тадбиркор бўлиш имконияти ҳаммада бор. Бунинг учун инсон кўпроқ изланиши лозим. Бугун буни Бухородаги Рустам Файзиев бошқараётган «Файз» фермаси мисолида яққол айтишимиз мумкин. Шу боисдан беш баҳордан бери аввалига мевали дарахтларни парвариш қилаётган ферма жамоаси эндиликда кўп тармоқли хўжаликка айланди.

Айни кунда бу ерда 165 бош қорамол, қўй, ғоз, куркалар ҳам боқилиб фойда олиняпти. Ҳозирги пайтда фермада 25 киши фаолият кўрсатмоқда. Муҳими, улар келгусида шу ерининг ўзидаёқ қаймоқ, қатиқ, колбаса маҳсулотлари чиқаришга мослашган цехларни ҳам ишга туширишни режалаштиришган.

Суратда: моҳир сут соғувчилар (чапдан) Фазилат Ғаффорова, Холбиби Жалилова, Саломат Шодиева ва Мавжуда Бозорова.

Ш. ШАРОПОВ олган сурат. (ЎзА)

Назорат ойнаси

СИФАТ БОШ МЕЗОН БЎЛСИН

Шу йилнинг январь ойида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан «Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура-қурилиш назорати бошқармаси тўғрисида»ги низом тасдиқланди. Унинг иккинчи бандида «Давлатархитектқурилишназорат» органлари фаолияти устидан назоратни кучайтириш мақсадида республикада қурилиш маҳсулотлари сифатининг аҳволи масалалари бўйича бир йилда камида икки марта семинар-кенгашлар ўтказиб турилсин» дейилган...

Хўш, бу янги ташкил этилган бошқарма ўз ваколати доирасида қандай ишларни амалга оширади? Унинг вазифаси нималардан иборат?

Мухбиримиз ана шу ва бошқа саволларга жавоб топиш мақсадида «Давлатархитектқурилишназорат»и бошқармаси бошлиғи Шариф УЗОҚОВ билан суҳбатлашди.

— Низомга мувофиқ бошқармамиз ходимлари мулкчилик шаклидан қатъи назар, объектлар қурилиши ҳамда ишлаб чиқарилаётган бинокорлик материалларининг сифатини текширадилар. Шунингдек, вазирликлар, идоралар ва давлат қўмиталарининг қурилиш нуқталари сифатини назорат қилувчи ишлаб чиқариш хизматларига лойиҳалаш ташкилотларининг муаллифлик назоратига услубий раҳбарлик қиладилар.

Республика ҳудудида қурилиш сифати устидан назоратни ташкил этиш ва ошириш масалалари бўйича низомлар, қоидалар, йўриқномалар, услубий ва бошқа курсатмалар ишлаб чиқадилар. Қурилиш нуқтасига маблағ сарфлаётган кишиларга унинг сифати устидан зарур даражада назорат ўрнатилишини таъминлашда маслаҳат ва амалий ёрдам берилади. Қурилиш соҳасида ҳуқуқ бузилишлари учун маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишда ходимларимиз қатнашадилар. Агарда халқаро шартномаларда бошқача тартиб назарда тутилмаган тақдирда республика ҳудудида қурилиш нуқталарини бунёд этаётган ҳамда бинокорлик материалларини ишлаб чиқараётган қўшма корхоналар ва чет эл фирмаларига нисбатан бошқарма хизматчилари юқорилаги ўзига берилган ваколатларидан тўла фойдаланадилар.

— Бошқарма ўзига юклатилган вазифаларга мувофиқ қайси ишларни бажаради?

— Бажарилаётган қурилиш-тиклаш ишларини ва ишлаб чиқарилаётган бинокорлик материалларининг тасдиқланган лойиҳа ҳужжатларига мувофиқ ёки номувофиқлигини аниқлайди. Қурувчилар томонидан, ҳужжатлар белгиланган синовларнинг, улчовларнинг ўз вақтида ва сифатли ўтказилишини, шунингдек, зарурий ҳужжатларнинг юритилишини ходимларимиз назорат остига оладилар. Тасдиқланган лойиҳаларнинг амалга оширилиши ҳамда архитектура-қурилиш ечимлари бўйича техник талабларга риоя қилинишини назорат остига оладилар. Қурилиш сифати устидан ишлаб чиқариш назорати, муаллифлик ва техника назорати юритилишини текширади. Бинолар, иншоотлар ва уларнинг қисмлари бузилиши сабабларини текшириш тартиби тўғрисидаги Низомга мувофиқ унинг сабабларини текширувчи техник комиссиялар ишида қатнашади. Қурилиш маҳсулотлари сифатини таъминлашда қонунчиликка риоя қилиш масалалари бўйича давлат назоратининг бошқа органлари, илмий-тадқиқот, лойиҳа ва жамоат ташкилотлари билан узаро ҳамкорлик қилади. Ходимларимиз амалга оширилаётган назорат натижалари бўйича материалларни умумлаштиради ва таҳлил қилади. Норматив талаблар, услубий ва амал қилинувчи материалларни такомиллаштириш бўйича тегишли таклифларни ишлаб чиқади. Қурилиш соҳасидаги қонунни бузишлар учун жазолар қўллаш тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш бўйича таклифлар киритилади.

— «Давлатархитектқурилишназорат» бошқармаси ходимларининг ҳуқуқлари нималардан иборат?

— Бажарилаётган қурилиш-лаш ишларининг ва ишлаб чиқарилаётган бинокорлик материаллари сифатини текшириш мақсадида мулкчилик шаклидан қатъи назар қурилиш майдонлари ҳамда бунёдкорлик материаллари корхоналарига ходимларимиз тўсиқсиз кириши таъминланган. Ходимларимиз қурилиши тугалланган нуқталарни фойдаланишга қабул қилиб олишда комиссиялар ишида қатнашиш ҳуқуқига эга. Улар йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш тўғрисида қурилиш қатнашчилари ва материалларни тайёрловчиларга тавсиялар берадилар. Шунингдек, улар лойиҳалаш ташкилотларининг муаллифлик назорати ишларини текшириш, бу иш сифатсиз олиб борилган ҳолларда давлат корхоналари ва бюджет маблағлари ҳисобидан тўланган суммаларни лойиҳа ташкилотларидан ушлаб қолиш тўғрисидаги таклифни маблағ билан таъминловчи ташкилотларга Узбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда киритадилар. Давлат стандартларига ва техник шартларига мувофиқ келмаган ёки транспортда ташиш ва сақлаш жараёнида шикастланган бинокорлик материаллари, конструкциялари ҳамда буюмлари ишлаб чиқаришни белгиланган мақсадда фойдаланиш умумистеъмолчиларга сотишни, шунингдек уларни тўхтатиб қўйиш масаласини ҳал этадилар.

— Қурилиш ташкилоти ёки бинокорлик материалларини ишлаб чиқараётган корхоналарни текшираётганда ходимларингиз бошқа ташкилот мутахассисларини жалб қилиши ҳам мумкинми?

— Ҳа, албатта. Низомда белгиланганидек, бошқарма ходимлари пудратчилар ва бу-юртмачиларнинг вакиллари иштирокида объектларда текширишлар ўтказадилар. Бу мақсадлар учун лойиҳалаш ва бошқа ташкилотларнинг мутахассислари жалб қилиниши мумкин. Текшириш натижалари ишларни бажариш дафтарида қайд этилади, зарурат бўлганда курсатмалар берилади, далолатномалар тузилади. Улар «Давлатархитектқурилишназорат» органлари ходимлари ва бошқа текширишда қатнашганлар томонидан имзоланади. Текшириш натижалари далолатномада баён қилинган хулосаларга рози бўлмаган тақдирда ўз эътирозларини киритган ҳолда уни имзолаш-лари шарт.

Хуллас, ходимларимиз ўз вазифаларини бажаришда давлат назоратининг бошқа органлари, солиқ инспекциялари, банк муассасалари, прокуратура, судлар, маҳаллий ҳокимият органлари, истеъмолчилар жамиятлари ва аҳборот воситалари таҳририятлари билан ҳамкорлик қиладилар.

— Бошқарма фаолият кўрсатаётгандан буён қурилиш объекти ёки бинокорлик материалларини ишлаб чиқараётган корхоналарда давлат стандартларидан четга чиқиш ҳоллари кузатилдими?

— Шундай ҳоллар ҳам юз бериб туради. Мисол учун ўтган йилни олайлик. Йил мобайнида республикамиз бўйича 1921 қурилиш нуқталари бошқармамиз назорати остида бўлди. Шулардан 871 таси фойдаланишга топширилди. Бошқарманинг вилоятларда жойлашган органлари билан биргаликда 1599 та қурилиш иншоотида текшириш ўтказилди. Йил мобайнида 1262 та буйруқ тайёрланиб, корхона, буюртмачи ва пудратчи ташкилотларига 2 миллион 423 минг сўм жарима солинди.

Тошкент шаҳри бўйича 46 та қурилиш нуқтаси текширилиб, буюртмачи ҳамда пудратчи ташкилотларга 90 та буйруқ тайёрланди. Сифатсиз қурилиш олиб борилганлиги натижасида бунга жавобгар ташкилотлар 900 минг сўм жарима тўлашга мажбур бўлишди.

Бинокорлик материалларини сифатсиз ишлаб чиқариш ҳоллари ҳам тез-тез учраб турибди. Мисол учун Тошкент шаҳрида жойлашган 1-темирбетон маҳсулотлари заводини олайлик. Корхона сифатсиз маҳсулотларни ишлаб чиқаришни мунтазам бузганлиги учун бошқармамиз томонидан уларга 646 минг сўм жарима солинди.

Бу борада бошқа вилоятларда ҳам иш жойида, деб бўлмайди. Жумладан, Хоразм вилоятида ўтган йили ходимларимиз томонидан 61 та жойда текширув ўтказилди. Уларнинг 37 тасида нуқсонлар топилди. Шу боис, 5 та қурилиш нуқтасини маблағ билан таъминлаш тўхтатилди. Бунинг сабаби қурилиш ташкилотларида сифатни текширадиган хизмат умуман йўқ деса ҳам бўлади. Қурилиш нуқталарини техник назорат қилиш ҳозирги замон талабларига жавоб бермайди. Бизнинг асосий мақсадимиз эса қурилишда, бинокорлик материаллари тайёрлашда сифат бош мезон бўлсин деймиз.

Суҳбатдош: Ғуломжон ЮСУПОВ.

· Олий суд ҳукмидан кейинги ўйлар

ОШНАНГ ОЛАҚАРҒА БЎЛСА...

Яқинда барча оммавий ахборот воситаларида Ўзбекистон Республикаси Олий Судининг судьяси А. Қодиров раислигида, судьялар Ж. Субхонқулов ва А. Дўстбоевдан иборат ҳайъатда, Ўзбекистон Бош прокурорининг катта ёрдамчиси О. Матхолиқов, ҳимоячилар Ш. Рашидова, М. Шамсиева, М. Тойжонова, М. Суярова, М. Бузрукова, Р. Шайхутдиновалар иштирокида Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий тузумини зўрлик билан ағдариб ташлаш ва ҳокимиятни қўлга олиш мақсадида фитна уюштиришда иштирок этишда айбланган бир гуруҳ шахслар устидан жиноят иши кўрилиб, ҳукм эълон қилинганлиги ҳақида хабар берилди.

1993 йилнинг июнь ойи ўрталарида муҳожирликда юрган «мухолиф» С. Мадаминов (Муҳаммад Солиҳ) Ашгабад шаҳрида вақтинча яшаб турган Мурод Жўраевга қўнғироқ қилиб, унга Қашқадарё вилоятида яшайдиган, ҳарбий хизматни ўтаб келган, ўйланмаган 21-25 ёшлардаги йигитларни саралаб Туркияга юборишни топширади. Бу йигитлар Ўзбекистонга қайтганларидан кейин улардан шахсий соқчилар ҳамда жангарилар сифатида фойдаланиш мумкинлигини уқтиради.

Шунга кўра, муборакли Мурод Жўраев бу қалтис ишга ўзининг ҳамқишлоқлари ва яқин танишлари бўлган Неъмат Аҳмедов, Шавкат Холбоев, Ҳошим Сувонов, Шавкат Маматов ва бошқаларни жалб этган. Унинг раҳбарлигида юқорида номлари қайд этилган шахсларнинг фаол ёрдамлари билан Қашқадарё вилоятида истиқомат қилган 46 нафар ёш йигитлар танлаб олиниб, улардан 21 таси олдиндан қалбакилаштирилган ҳужжатлар асосида Туркияга ўтказиб юборилган. Салай Мадаминов Мурод Жўраев орқали бу йигитларга зарур бўлган маблағларни — йўл кира, яшаш, овқатланиш ва умумфуқаролик чет эл паспортларини олиш учун сарф бўладиган харажатларни тўлаган.

Ёш йигитларни танлаб, уларга ҳужжат тўғрилаш ва уларни чегарадан ўтказиб юборишда Шавкат Холбоев билан Неъмат Аҳмедов асосий ижрочи бўлишган. Жумладан, Ш. Холбоев ўзининг таниши Б. Қораев ёрдамида иш жойлари, ташкилот раҳбари имзоси ва муҳри ҳақида ёлғон маълумотлар кўрсатилган сайёҳлар суров варақаси асосида 19 та умумфуқаролик чет эл паспортларини олишликни ташкил қилган. Бунинг учун у Мурод Жўраевдан олган 3 миллион 400 минг сўм пулдан 200 минг сўмини Қораевга хизмат ҳақи сифатида тўлаган. Суд жараёнида хорижга юбориш учун танлаб олинган йигитларнинг шахслари тўлиқ аниқланди ва уларнинг аксарияти гувоҳ сифатида қатнашди. Дастлаб Ўзбекистондан Туркияга ноқонуний йўл билан 13 киши чиқиб кетган. Кейин 1994 йилнинг 8 февраль куни Неъмат Аҳмедов олти кишилик гуруҳга раҳбарлик қилиб Ботуми шаҳрига борган ва Грузия фуқароси Сулико Заидзега Мурод Жўраевдан олинган 635 АҚШ долларини бериш эвазига гуруҳни 9 февраль куни Туркия чегарасидан ўтказиб юборган. Яна икки киши чегарадан март ойида ўтган.

Ғайри конституциявий уюшманинг бошқа фаол иштирокчилари, хусусан, Дилором Исҳоқова, Муҳаммад Бекжонов, Юсуф Рўзимуродовларга уюшма учун сўм ва чет эл валюталарида пул маблағлари йиғиш вазифалари юклатилган. Уларнинг фаол ҳаракатлари натижасида 1993 йилнинг июнидан 1994 йилнинг январигача 13200 АҚШ доллари ва 20 миллион 150 минг сўмдан ортиқ маблағ йиғилган. Бу пулнинг асосий қисми С. Мадаминовнинг кўрсатмаси билан Жаҳонгир Маматовга юборилган. У эса чет эл валютасини йигитларни танлаш ва яширинча Туркияга юбориш учун ишлатган.

Туркиядан қайтиб келган ва суд мажлисида гувоҳлар тариқасида сўроқ қилинган ўндан ортиқ йигитлар Туркияга бизнесменликка Шавкат Холбоев ва Ҳошим Сувоновлар томонидан таклиф этилганликларини, улардан бир неча марта ҳар хил миқдорда пул маблағлари олганликларини, ўзлари бир сўм ҳам сарфламаганликларини, Туркияга боргач Муҳаммад Солиҳ, Жаҳонгир Маматов, Номоз Нормўмин, Юсуф Рўзимуродов ва бошқалар бошчилигида каратэ, дзюдо, самбо, яккама-якка кураш, ҳарбий қисмга бориб ўқ отиш, портловчи қуроллардан фойдаланиш усулларини ўрганганликларини, Туркияда 1994 йилнинг февраль ойларидан бошлаб ўқишлари 7-8 ой давом этганлигини, ноябрь ойида уруш усулларини ўрганиш мақсадида Чеченистон Республикасининг Грозний шаҳрига жўнатилганликларини, Грознийда уларни Юсуф Рўзимуродов кутиб олганлигини, бир ярим ойдан кейин 3-5 кишидан иборат гуруҳларга бўлиниб Рўзимуродов белгилаган жойларга юборилганликларини, уйларига қайтиш маън этилганлигини, уйларига қайтмоқчи бўлганларида Рўзимуродов уларни «Ўзбекистонга 10 мингдан ортиқ одамимиз ташланган, сизларга ёки оила аъзоларингизга нисбатан жисмоний куч ишлатилиши мумкин, барибир уйларингизга етиб боролмайсизлар» деб кўркитганлигини, улар Рўзимуродов белгилаган жойларда унинг сигналини кутиб, бериладиган топшириқларни бажаришга шай бўлиб туришга мажбур бўлганликларини, Ўзбекистонда буладиган сайловларда «Эрк» партияси аъзоларига қаршилик кўрсатиладиган тақдирда керакли раҳбар ходимларни ёки уларнинг оила аъзоларини гаровга олишлари зарурлигини, Туркияда тижорат ишига мутлақо ўргатилмаганликларини, умуман алданиб қолганликларини, лекин чет эл умумфуқаролик паспортлари ўзларида бўлмаганлиги ва бунинг устига пуллари ҳам йўқлиги сабабли иложсиз қолганликларини, уйга қайтамиз деб бир неча бор С. Мадаминовга қилган мурожаатлари жавобсиз қолганлигини эътироф этишди.

Гувоҳларнинг кўрсатмалари ҳар қандай кишида нохуш кайфият туғдиради. Ўзини ўта зиёли санаб, доим демократия ва инсонпарварлик хусусида сафсата сотиб келган «арбоб» ўзининг ғаразли ниятига эришиш мақсадида ўз Ватани ва ўз халқига нисбатан шу даражада тубанлик, душманлик қилиши ҳечам ақлга сиғмайди. Кўр бўлсанг бўл, кўрнамак бўлма, деганлари шу-да. Афсус, курашнинг қабиҳ йўли танланибди. Россиянинг оммавий ахборот воситаларидан С. Мадаминовнинг Чеченистон вице президенти З. Яндарбиев билан алоқаси борлиги ҳақидаги хабарни эшитган эдик. Лекин бу алоқа жангарилар тайёрлаш тажрибасини ўрганиш даражасида бўлиши мумкинлигига ишонмаган эдик.

Шу ўринда инкор этиб бўлмайдиган бир мунофиқликни эслатиб ўтмоқчимиз. «Эрк» газетасининг 1992 йил декабрь ойида чиққан 40-сонида Муҳаммад Солиҳнинг «Ҳаётга реал қараймиз» деган сарлавҳада суҳбати босилган. Мухбир унга шундай савол беради: «Мақсад воситани оқлайди, деган ақидага қандай қарайсиз?» У жавоб бериб дейди: «Бу ақидадан кейинги етмиш йил ичида коммунистлар фойдаланди. Мен бу ақидани бутун вужудим билан қабул қилолмайман». Айтингчи, жаноб, конституциявий тузумга ва қонуний ҳукматга қарши курашиш учун бирлашишга ошкора даъват этувчи мақолалар босилаётган газетани яширин равишда босиб чиқариш ва маҳфий тарзда тарқатиш, бунинг учун алдов йўли билан одамларни ёллаш — бу ленинчи «Искра»дан мерос бўлиб қолган, ёш ишчи деҳқон йигитларни ўқишга юбориш баҳонасида шахсий соқчилар ва жангарилар қилиб тайёрлаш — бу ленинча «қизил қўнгиллилар» бўлинмаларида шаклланган ақида эмасми?! Шунингдек сизнинг маблағ йиғиш, уни қайси йўналишлар бўйича қандай қилиб сарфлаш, ноқонуний сиёсий уюшма фаолиятини йўналтириб туриш ва ниҳоят мақсадга эришиш йўлида танланган кураш усулингиз большевиклар қўллаган ақидадан нимаси билан фарқ қилади?!

С. Мадаминов бир пайтлар учтўрт кишининг қони тўкилган тақдирда ҳам мақсадга эришиш учун кураш йўлидан қайтмаймиз, деган эди. Танланган ана шу кураш учкуни 1993 йилда ва айниқса 1994 йил бошида ҳавфли тарзда аланга ола бошлаганлигидан унинг яқин кишилари ва айниқса қариндош уруғлари жиддий ташвишга тушиб қолишди. Унинг укаларидан бири — Мақсуд Бекжон ёш йигитлар махсус тайёргарликдан ўтиш учун Туркияга юборилаётганлигидан хабар топган бўлса керак, дарҳол акасини инсофга чақириб хат йўллади. Мақсуд Бекжоннинг 1994 йил 15 апрель куни акаси С. Мадаминовга йўллаган очиқ хати 19 апрель куни «Хоразм ҳақиқати» газетасида босилиб чиқди. Қўйида ўша хатнинг бир бўлагини таҳриссиз айнан берамиз:

«Бугунги кунда Узбекистон учун энг муҳим бўлган нарсадан бири, фикримча миллий ҳамжиҳатликдир. Токи миллат бир бутун, яхлит бўлмас экан, ҳеч қандай олийжаноб ишни амалга ошириб бўлмайди. Сиз, эсингизда бўлса, бундан бир неча йил илгари, ҳали Иттифоқ мавжуд бўлган пайтда: «Биз учун энг муҳими бугунги кунда миллий бирлик ва миллий озодлик» деган эдингиз. Сиз ўшанда Россиянинг Ўрта Осиёдаги колониалистик ролини назарда тутган эдингиз. Хўш, бугун вазият ўзгардими? Тўғри, биз мустақиллик эълон қилдик, биз ўз қонунларимизга, Конституциямизга эга бўлдик. Фуқаролик тартибларини жорий этдик. Аммо хавф ҳали ҳам мавжуд. Баъзи бир буюк давлатлар иқтисодий пайлари билан ҳар қандай мустақил давлатни яна қарамлик ҳолатига олиб келиш учун ҳозир туриптилар. Шундай шароитда жумҳурият ичидаги қарама қаршиликлар халқ учун ҳалокатли эмасми? Ахир миллат манфаатлари ҳамма нарсадан устун турмайдими?»

* * *

...Олий суд ҳукмини эълон қилди. Судда ҳозир хорижда яшаётган Салай Мадаминов жиноятларнинг ташкилотчиси дейилди. Жиноят иштирокчилари бўлган Мурод Жўраев 12 йил муддатга, Эркин Ашуров, Шавкат Холбоев, Неъмат Аҳмедовлар 10 йилдан муддатга, Ҳошим Сувонов 6 йил муддатга, Шавкат Маматов 5 йил муддатга, Дилором Исҳоқова шартли равишда 3 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинди.

Аслида Мурод Жўраевни адашганлардан деб бўлмайди. Олий маълумотли, мулоҳаза мушоҳадаси кенг, Ўзбекистон халқ депутати, Муборак шаҳар ижроқўмининг раиси бўлган. У ўзи бош қўшган сиёсий найрангнинг моҳиятини тушунади. Вақтида бойваччалик гаштини суриб кўрган, мабодо унинг раҳнамоси ҳокимият тепасига келгудек бўлса қандай лавозимга даъвогарлик қилиш мумкинлигини кўп бора уйлагани аниқ. Шу сабаб, ёш, соддадил, ишонувчан юртдошларини кўрабила туриб йўлдан оздирган, қурбон қилмоқчи бўлган.

Ёши бир жойга бориб қолган Эркин Ашуров фарзандлари тенги йигитлар сафида сиёсий кураш майдонида «чиниқиб», вилоят миқёсида парвоз қилган қанотларининг қудратини мамлакат миқёсидаги парвозда ҳам синаб кўрмоқчи бўлди. Бир неча йил Самарқанддаги машҳур чой қадоқлаш фабрикасида директорлик қилган, Самарқанд вилоят ишбилармонлари уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари бўлиб ишлаган бу кимса ғайриқонуний ишга қўл ураётганини тушунмаган деб ким айта олади?

Шавкат Холбоев — Мурод Жўраевнинг укаси. У акасининг топшириғи билан Косон ва Китоб шаҳарларида Туркияга юбориш учун йигитларни танлади, уларга қалбаки ҳужжатлар тўғрилаш учун елиб югурди, Шавкат Маматовнинг уйида Туркияга жўнайдиган 13 та йигитга ўн минг сўмдан аванс берди. Бундан ташқари Мурод Жўраев ва Дилором Исҳоқовадан олинган қатта миқдордаги пулларни танлаб олинган «кўнгиллилар»га сахийлик билан тарқатди. Жўраев уни фақат сўм билан эмас, балки доллар ва манат билан ҳам таъминлаб турди. «Вербовкачи» Холбоевдан Фаҳриддин Қиличев бир сафар 150 минг сўм, бир сафар 600 минг сўм пул олди. Ашгабадга борганида 16 йигитга 50 манатдан тарқатди. Хуллас, унинг топшириқни бажариш йўлида қўйган ҳар бир қадами пул билан ўлчанадиган бўлди.

Неъмат Аҳмедов — Жўраевнинг тузоғига илинганлардан бири. 1993 йил июль ойида Жўраев уни Ашгабадга қўшма корхона очишга таклиф этган ва унга аванс тариқасида 50 минг сўм берган. Тузоққа тушганидан кейин унга аванс берадиганлар кўпайиб кетган. Жумладан, Дилором Исҳоқовадан бир миллион сўм, Шавкат Холбоевдан бир миллион 400 минг сўм, Юсуф Рўзимуродовдан 3200 АҚШ доллари, Мурод Жўраевдан 1200 манат ва 400 АҚШ доллари олган. Бу пуллар бўлажак шахсий соқчиларни Туркияга юбориш учун ишлатилган. Унга Ботумидаги ошнаси Сулико Заидзе асқотади. Бир сафар Заидзе унинг ўзига ҳам 105 АҚШ доллари эвазига сафар визаси тўғрилаб беради. Неъмат Аҳмедов Истамбул шаҳрига бориб «Ҳидоя» меҳмонхонасига жойлашади. Уни Жаҳонгир Маматов кутиб олади. Эртасига Муҳаммад Солиҳ ва Юсуф Рўзимуродов билан учрашади. Орадан атиги уч кун ўтиб Рўзимуродов билан самолётда, қутилардаги сирли юкларда Ашгабадга қайтишади. Бу ерда уларни Мурод Жўраев кутиб олади.

Очиғини айтиш керак, Дилором Исҳоқова ҳам алдганлардан ёки адашганлардан эмас. Қаранг, аёл боши билан мана мен деган фитначи эркакларга бош-қош бўлди. Маблағ тўплаш ва уни тақсимлаш учун асосий жонли манба бўлиб хизмат қилди. Бир пайтлар «олдин — мустақиллик, кейин — демократия» деган ғояга қасам ичган бу аёл бугун «олдин — демократия, кейин — мустақиллик» деган шиор учун курашяпти. Ўзбекистон ҳақида қандай салбий маълумот бўлса, ҳозиржавоблик билан хорижга етказади. Хорижнинг оммавий ахборот воситалари ҳозирги иқтисодий қийинчиликларга сабр қаноат билан чидаб, фарзандлари тарбиясида фидойилик кўрсатаётган минглаб, миллионлаб ўзбек аёллари ҳақида эмас, аксинча «жабрланган» Дилором Исҳоқова ҳақида кўпроқ ёзишади. Ваҳоланки, бу «миллионер» аёл кўп нарсага қодир. Унинг эътироф этишича, С. Мадаминов чет элга кетишидан олдин, яъни 1993 йил апрель ойида Дилоромнинг ўзига ва партиянинг бошқа фаолларига тўлаш учун етти миллион сўм қолдирган, орадан бир неча кун ўтиб С. Мадаминовнинг хотини С. Березняцкая унга сақлаш учун 13 минг АҚШ доллари берган, орадан яна бир оз вақт ўтиб, унинг уйига тўқ кўк рангли «Жигули» автомашинасида Ориф Озол деган озарбайжон йигити келиб, мана бу машинани Муҳаммад Солиҳ менга 7 миллион сўмга сотди, ҳозирча беш миллионини олинг, икки миллионини сўнг келтириб бераман, — дейди. Дилором Исҳоқова кейинчалик бу пулларнинг асосий қисмини Муҳаммад Бекжонов, Шавкат Холбоев, Неъмат Аҳмедов ва фитнанинг бошқа аъзоларига асл кўзда тутилган мақсадларга ишлатиш учун беради. Дилором Исҳоқовага инсонпарварлик нуқтаи назаридан мурувват кўрсатилди. Унга тайинланган 6 йиллик жазо цартликка алмаштирилиб, уч йил синов муддати белгиланди. Демак, унга ўйлаб кўриш учун имкон берилди.

Ошнанг олақарға бўлса, емишинг гўнг бўлар, дейишади. Ғайри конституциявий уюшган жиноий гуруҳ ташкилотчиси маккорларча хизмат қилиб, олган садақаси эвазига шаҳарма-шаҳар, давлатма-давлат кезиб юрган бир пайтда унга ошно бўлиб, унинг топшириғини бажарганлар алданиб, бармоқ тишлаб қолишди. Муҳаммад Солиҳ хорижнинг оммавий ахборот воситаларига интервью берар экан, Олий суд ҳукмига муносабат билдириб: «М. Жўраев 17 кишини Туркияга юборганини тан олган эмиш. Шу жиноятми?»деб савол беради. «Биз фақат 17 кишини эмас, юзларча аъзоларимизни ҳар қаерларга юборишга мажбур бўлдик ва юборяпмиз ҳам». Ана сизга очиқ эътироф! Бу қора товуқ сомон сочар, ўз кетини ўзи очар дегандай гап. У суҳбати охирида «...мен ишонаманки, ҳақиқий референдум ҳали олдинда ва биз 2000 йилгача кутмаймиз» дея кимларнидир курашга чорлайди.

Бироқ тинч, барқарор, ҳамжиҳат бўлиб ҳаёт кечираётган ўзбек халқи ва ўзбекистонликлар бундай курашни рад этади. Ёш давлатимизда халқ орасида қилча низо бўлишига йўл қўйилмаётган экан, бундан фақат фахрланиш керак. Ўзбекистондаги ҳозирги сиёсий вазиятга ён қўшниларимиз, узоқ-яқиндаги дўстларимиз ва биродарларимиз ҳавас қилишаётган экан, бундан нега фахрланмаслигимиз керак.

Мусофир юртда подшо бўлгунча, ўз юртингда гадо бўлганинг яхши, деган нақл бор. Камбағаллик эмас, кўрнамаклик айб. Ўзганинг садақа ўрнида берган тотли тортидан ўзимизнинг ёвғон гўжа афзал. Ўзбекистондаги ҳозирги иқтисодий қийинчилик вақтинчалик эканлигига ҳамма ишонади. Биз иқтисодий мустақиллик йўлидан дадил одимлаб, ислоҳотнинг ҳал қилувчи босқичига қадам қўйдик. Кўзланган марра яқин.

Муҳолифат деб аталмиш маккор сиёсат қурбонлари давлатга қарши курашни давом эттириш билан бирга, Узбекистон раҳбарияти яхши ният билан қўйган ҳар бир сиёсий қадамни ғараз билан қарши оляпти. Жумладан, улар яқинда тожик муҳолифати раҳбарларининг Тошкентда бўлиб, Президентимиз билан учрашганлигини ҳам аламзадалик билан шарҳлашди. Уларнинг назарида гўё Узбекистонда ҳамма ишлар ёмон, умуман бу ерда яхши нарсанинг ўзи йўқ. Бу шунчаки аламзадалик эмас. Улар Узбекистоннинг халқаро обруси кун сайин ошиб бораётганлигидан баттар талвасага тушиб қолишяпти. Бундай аламзадаликни ҳеч кимга раво кўрмаймиз. Ғаразли мақсад яширинган аламзадалик охир оқибат хоинликка олиб келиши тайин. Шундай бўлди ҳам.

Эсон КУРБОНОВ.

Ислоҳот одимлари

СУВ КЕЛТИРГАН АЗИЗ

Серқуёш улкамизда азалдан сув қадрли бўлиб келган. Сувнинг ўзи қанчалик муқаддас бўлса, уни келтирган ҳам азиз ҳисобланади. Шу боис инсон ҳаётининг асоси сув эканлигини кўп гапирамиз. Ниҳоятда керакли, муҳим нарсаларга «Сув ва ҳаводек зарур», деган иборани ишлатамиз.

Қадим-қадимдан одамлар сув бор жойда маскан қурганлар. Шаҳар-қишлоқлар анҳор, сой, булоқ бўйларида бунёд этилган.

Мамлакатимизнинг бош шаҳри — Тошкент ҳам бундан мустасно эмас. Зеро, унинг бағридан Бўзсув дарёси, Қайковус ариғи ва бошқа сув манбалари оқиб ўтади. Шаҳар ҳам айнан шу ерда қурилганлиги бежиз эмас. Ана шу обиҳаёт манбалари туфайли шаҳар гуллаб-яшнади, боғ-роғларга бурканди. Шаҳарнинг суви тоза, ширин бўлганлиги учун ҳам одамлар уни ҳамиша таърифлаб келишган. «Тошкентнинг сувини ичган чумчуқ Маккатиллодан қайтиб келармиш», деган иборада ҳам жон бор. Чунки қадим замонларда одамлар ариқ ва булоқ сувларидан қониб-қониб истеъмол қилганлар. Негаки, улар сувга илоҳий тус беришарди. Кўпчилик «Сувга тупурган – коски, қудуққа тупурган — кофир», деган маталга риоя қилишарди. Сувга тупуриш у ёқда турсин, унга менсимайроқ қараш ҳам ҳайиқишарди.

Бироқ, кейинги тўқсон — юз йил ичида оқар сувларимизга нисбатан ҳурмат бирмунча йўқолди. Одамларнинг кўпчилиги сувнинг муқаддаслигини писанд этмай қўйишди. Ҳатто анҳорларга, сойларга ахлат ташлайдиганлар ҳам пайдо бўлди. Дарё бўйларига молхоналар, ҳатто чўчқахоналар қуришди. Сув ифлосланди. Ана шундай шароитда Тошкентдек азим шаҳарда сувни тозалаб, водопровод тармоғидан фойдаланиб ичишга тўғри келмоқда. Бу вазифа эса осон эмас.

Бинобарин, икки миллиондан зиёд аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлашнинг ўзи бўлмайди. Мана шундай шарафли ва масъулиятли вазифани Тошкентдаги «Сувсоз» трести азаматлари бир неча ўн йиллардан бери бажариб туришибди. Ҳозирча шаҳар аҳолиси бу хизматдан миннатдор. Лекин айрим пайтларда норозиликлар ҳам бўлиб турган.

Сирасини айтганда, трестда амалга оширилаётган ишлар кўпинча матбуот ходимларининг назаридан четда қолиб келганлигини тан олиш керак. Фақат аҳолидан шикоят тушгандагина баъзан бу корхонага ташриф буюрилар эди, холос. Лекин аслида-чи? Чуқурроқ назар солинса, кейинги йилларда бу ерда ҳам анчагина ижобий силжишларга эришилганлиги маълум бўлади.

Трестда шаҳар халқини тоза ичимлик суви билан таъминлаш даражаси юксалиб бормоқда. Биргина мисол: ҳозирги кунда Тошкент шаҳрига бир кеча-кундузда 2 миллион 261 куб-метр сув етказиб берилаётир. Мана шу оби-ҳаётнинг йигирма фоизини эса транспорт, қурилиш, саноат ва алоқа тармоқлари олади. Ҳатто 9-16 қаватли биноларга ҳам юқори босимда обиҳаёт етказиб берилмоқда.

Шуниси қувончлики, кейинги пайтда корхонада шаҳарни сув билан таъминлаш борасида бирмунча ютуқларга эришилди. Оқава сувлар (канализация) дан фойдаланиш яхшиланди. Кўпгина янги-янги тармоқлар вужудга келтирилди. Ана шу тармоқларни кенгайтириш борасида қурилиш ташкилотларига бир қанча буюртмалар берилди. Тошкент шаҳри аҳолисига тоза ичимлик суви етказиб беришда Бўзсув сув ҳавзаси, Сирғали, Бектемир, Қорасув ва бошқа ҳавзаларнинг меҳнат аҳли, Тошкент вилоятида эса Қодирия, Қибрай, Жанубий сув ҳавзалари ишчилари фидокорлик кўрсатишмоқда. Канализация ва турли корхоналарнинг чиқиндиларини тозалашда Салор станцияси ҳамда Зангиота туманидаги Бўзсув станцияси ишчиларининг ҳиссаси катта.

«Сувсоз» трестида иқтисодий ислоҳотлар тезкорлик билан амалга оширилянти. Бу ерда ўз ишининг усталари бўлмиш кўплаб мутахассислар бор. Ана шуларнинг ғайрат-шижоати туфайли ўтган йили корхона 20 миллион сўм соф даромад олди. Ўша йилнинг ўзида шаҳар маҳаллаларида 65 километр узунликдаги канализация тармоғи қурилиб, фойдаланишга топширилди. 16 километр узунликдаги водопровод тармоқлари бунёд этилганлиги қувончли.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, даромадга яраша буромад деганларидек, ҳозирги иқтисодий қийинчиликлар даврида корхона ишчи-хизматчиларини ижтимоий ҳимоя қилишга алоҳида эътибор берилаётир. Айни пайтда трестда 4 мингдан зиёд ишчи-хизматчи уч сменада меҳнат қилаётир. Одамларнинг маоши яхши. Бу ерда ўртача ойлик маош 870 сўмни ташкил этган ҳолда айрим илғорлар бир ярим минг, ҳатто 2 минг сўм иш ҳақи оляптилар. Ўтган йилнинг ўзида Зангиотада 320 ўринли болалар боғчаси, Қибрай туманида 110 ўринли санаторий-профилакторий қурилиб, сувсозларга тақдим этилди. Шу йилнинг март ойида эса Юнусобод туманида 32 квартирали уй фойдаланишга топширилди. Ишчи-хизматчилардан 160 кишига дала ҳовли ажратилди. Яна бир янгилик шуки, ишчи-хизматчиларга оила аъзоларининг сонига қараб 5 сотихдан 7 сотихгача вақтинча экин экиб олиш учун ер берилди. Фақат шуниси борки, ана шу ер майдонлари дарё ва сув ҳавзалари бўйида жойлашгани учун бу ерларга ўғит ва дори солиш ман этилади.

Бундан ташқари ижтимоий масалаларни ҳал этиш мақсадида корхона ҳисобидан ишчи-хизматчиларга мунтазам равишда моддий ёрдам кўрсатилмоқда. Уларни нафақага кузатиш пайтида саккиз юз сўмдан минг сўмгача мукофот берилади. Бу йилги Навруз байрами бутун трест бўйлаб хайрия тадбирларига айланиб кетди. Кам таъминланган оилаларга 800 сўмдан моддий ёрдам берилди.

Булар албатта ибратли ишлар. Лекин ҳали улкан шаҳарни ичимлик суви билан таъминлаш борасида анчагина иш қилиш керак. Бу борада «Сувсоз» трести бошқаруви раиси Зокиржон Солиҳўжаев бундай деди:

— Кейинги пайтда айрим ташкилотларнинг ўз ишига совуққонлик билан муносабатда бўлаётганлиги трестимизнинг кўрсаткичларига ҳам салбий таъсир қилмоқда. Масалан, биз сувни тозалаш учун зарур бўлган аччиқ тош ва хлорни Россия, Қозоғистон, Туркманистондан жуда қиммат баҳода сотиб оляпмиз. Насос қурилмалари, катта диаметрдаги қурилмалар, қувурлар ҳам четдан келтирилади. Ана шундай катта харажатлар эвазига тоза сув тайёрлаймиз. Лекин уни исроф қилиш ҳоллари кўплаб учраб турибди. Экинларни водопровод сувида суғоришни олайлик. Ахир Тошкентдек шаҳри азимда ободончилик бошқармаси борку? Унинг ирригация тармоқлари (раҳбари ўртоқ Шавкат Ёқубов) бор-ку? Ана шу ирригация тармоқлари ишламаётганлиги туфайли аҳоли экинини водопровод сувида суғормоқда. Масалан, шаҳардаги 2786 кўчанинг 569 тасидагина ариқлардан сув оқади. Бу жами сув тармоқларининг 20,4 фоизини ташкил этади. Айрим туманларда ушбу кўрсаткич бундан ҳам оз. Жумладан, Акмал Икромов туманида ирригация тармоқларининг атиги 4 фоизида сув оқаётганлигини қандай таърифлаш мумкин? Чилонзор, Собир Раҳимов, Юнусобод туманларида ҳам аҳвол ачинарли. Ана шу ирригация тармоқларини йўлга қўймас эканмиз, водопровод сувини тежашнинг иложи йўқ.

Ҳа, трест раҳбари айтганидек, сувни тежамай туриб шаҳарни обиҳаёт билан таъминлаб бўлмайди. Аҳолини ичимлик суви билан таъминлашни яхшилаш бўйича Президентимиз Ислом Каримов ва Республика Вазирлар Маҳкамасининг бир неча қарорлари қабул қилинди. Лекин бу ҳаётий муаммо ечими ҳақида кўпчилик бирдай жон куйдирмас экан, кўзланган мақсадга эришиш мушкул. Одамларда сувга нисбатан эътиқод уйготиш, уни тежаб-тергаб ишлатиш зарурлигини фарзандларимизга ҳали мурғаклигидан бошлаб сингдириб боришимиз зарур.

Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ,
«Ўзбекистон овози» махсус мухбири.

Абдувоҳид ТЎРАЕВ олган сурат.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ЙЎЛДОШ ОХУНБОБОЕВ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ
1995 ЙИЛГА ИШЛАБ ЧИҚАРИШДАН АЖРАЛГАН ВА АЖРАЛМАГАН ҲОЛДА ЎҚИШ УЧУН ҚУЙИДАГИ МУТАХАССИСЛИКЛАР БЎЙИЧА

ҚАБУЛ ЭЛЛОН ҚИЛАДИ

АСПИРАНТУРАГА:
— юқори молекулали бирикмалар кимёси;
— машинасозлик, машина қисмлари;
— енгил саноат машина агрегатлари;
— машина ва машина механизмлари назарияси;
— кимёвий толалар технологияси;
— материалшунослик (тўқимачилик);
— тўқимачилик хом ашёси;
— тўқимачилик материаллар технологияси;
— тикилган маҳсулотлар технологияси;
— иқтисод, режа (менежмент).

ДОКТОРАНТУРАГА:
— тўқимачилик хом ашёларини қайта ишлаш.

Аспирантурага қабул имтиҳонлари икки турда; май, октябрь ойларида ўтказилади. Ҳужжатлар 1995 йил 1 октябргача қабул қилинади.

Мурожаат учун манзил:
700100 Тошкент шаҳри, Горбунов кўчаси — 5, ТТЕСИ, аспирантура бўлими.

Телефон: 53-66-34.

ШОДОН ТАБАССУМ ВА ХУШ КАЙФИЯТ

тақдим этувчи
"стомасервис"
хусусий стоматология поликлиникасида

ҳафтанинг 7 кунида — кечаю-кундуз, дам олишсиз
ТЕРАПИЯ, ЖАРРОҲЛИК, ОРТОПЕДИЯ
соҳалари бўйича мутахассислар Сизга тиббий хизмат кўрсатишга ҳозиру нозир.

Рентген хонаси, лазер терапияси, физиотерапия, металлокерамика, шунингдек, парадонт сингари барча касалликларни даволаш бўйича мижозларга хизмат кўрсатилади.

***СТОМАТОЛОГИЯ* соҳасида жаҳоннинг етакчи фирмалари техникаси ва дори-дармонларидан фойдаланиб, замонавий технологияни қўллаш даволашни оғриқсиз ўтказади.**

Майин мусиқа, қаҳва ёки бир пиёла чой мажбурий муолажаларга ҳузур бахш этади.

МАНЗИЛ: Тошкент шаҳри, Буюк ипак йўли кўчаси, 428-уй. (Мўлжал: Тошкент трактор заводи)

ТЕЛЕФОНЛАР: (3712) 64-39-16, 69-89-65.

"СТОМАСЕРВИС" — ЮҚОРИ СИФАТ ВА УЗОҚ МУДДАТГА КАФОЛАТ БЕРАДИ

ЯНГИЙЎЛ КОНСЕРВА ЗАВОДИ

Серқуёш республикамизда етиштирилган мева, полиз ва сабзавот маҳсулотларидан тайёрланган консерваларни (шиша ва тунука идишларда) чекланмаган миқдорда сотади.

СИЗ ҚУЙИДАГИ МАҲСУЛОТЛАРДАН ТАЙЁРЛАНГАН КОНСЕРВАЛАРНИ ХАРИД ҚИЛИШИНГИЗ МУМКИН:

— шафтоли, олхўри, олма, узум, тарвуз ва сабзи табиий шарбатлари;
— аччиқ томат соуси, томат пастаси, олма - узум аралашмаси ва қовоқдан тайёрланган шифобахш ичимликлар;
— бақлажон икраси, сабзавот икраси;
— бодринг ва помидор маринадлари;
— тузланган аччиқ карам.

Шунингдек, кўп миқдорда кичик идишларга қуйилган — 55 фоиз концентратли олма шарбатидан иборат консервалар ва бошқалар мавжуд.

Маҳсулотларнинг бозор нархларидан бирмунча арзон сотилиши сиз учун яна бир қулайлик яратади.

Ҳақи пул ўтказиш йўли билан тўланади.

Маҳсулотларга мол айирбошлаш имкониятидан фойдаланишингиз мумкин.

Маҳсулотлар йирик улгуржи ва чакана савдо йўли билан етказиб берилади.

Янгийўл консерва ишлаб чиқариш корхонаси маҳсулотларини қанча тез сотиб олсангиз — шунча яхши. Зеро, у ҳамма учун доимо зарур ва жуда фойдали хусусиятларга эгадир.

МАҲСУЛОТЛАРИМИЗНИНГ ШИФОБАХШ ВА ТЎЙИМЛИЛИГИНИ УНУТМАНГ!

Завод МДҲ республикаларига ҳам юқоридаги тартибда ёки мол айирбошлаш йўли билан чекланмаган миқдорда ўз маҳсулотларини сотади.

Манзилимиз: 702802, Янгийўл шаҳри, Самарқанд кўчаси, 57-ўй.
Телефонлар: (код—260), (37-160), 74-740, 74-744, 74-780, 74-781.
ФАКС — 7-57-50, 7-47-80.

КОРХОНАЛАР, ТАШКИЛОТЛАР ВА МУАССАСАЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

1995 йилнинг 5 апрелидан бошлаб фойдаланилган электр энергиясига ҳақ тўлашнинг янги тарифлари жорий этилди.

Барча корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар янги тарифларни электр шохобчаларининг туман, шаҳар корхоналаридан, "Ўзэнергоназорат"дан олишлари ва ушбу эълонни шартномалар тузиш чоғида ижро учун қабул қилишлари лозим.

"ЎЗЭНЕРГОНАЗОРАТ"

АҲОЛИ ДИҚҚАТИГА!

1995 йилнинг 5 апрелидан бошлаб фойдаланилган электр энергиясига ҳақ тўлашнинг янги тарифи — бир киловатт-соат электр энергияси учун 30 тийин жорий этилди.

Ошхона электроплиталаридан (газли плиталар ўрнига) фойдаланаётган фуқаролар учун тариф 50 фоизни ташкил этади, яъни бир киловатт-соат электр энергияси учун 15 тийин тўланади.

Имтиёзли тариф бўйича ҳақ тўлаш ҳуқуқидан фойдаланаётган барча кишилар учун *имтиёзлар сақлаб колинади.*

5 апрелгача фойдаланилган электр энергияси ҳақини эски тариф бўйича 20 апрелга қадар тўлаш мумкин.

"ЎЗЭНЕРГОНАЗОРАТ"

ДУНЁ ВОҚЕАЛАРИ

ФАЛАСТИНЛИКЛАРНИНГ КЎПЧИЛИГИ ТИНЧЛИК УЧУН ОВОЗ БЕРДИ

«Хамас», «Жиҳоди исломи» ташкилотларининг экстремистлари қатор қўпорувчилик ҳаракатлари билан Яқин Шарқдаги тинчлик жараёнига путур етказаётган бўлсалар-да, Исроил ва Фаластин ҳудудларидаги жамоатчилик фикри ўзгаргани йўқ. Улар Фаластин-Исроил музокараларигина бу ерда тинчликни сақлаб қолиш имкониятини беради, деб ҳисобламоқдалар. Ғазо ва Иерихон шаҳри атрофларидаги сўровлар натижасида кўпчилик музокаралар учун овоз берди. Уларнинг 56 фоизи Фаластин раҳбари Я. Арафатнинг сиёсатини маъқуллашди. Кўпчилик тинчлик жараёнигина мустақил Фаластин давлати юзага келишини таъминлайди, дейишмоқда.

УРУШНИ ТЎХТАТИШНИНГ ИЛОЖИ БЎЛМАЯПТИ

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Хавфсизлик Кенгаши ўтган пайшанба куни ўтказилган мажлисда БМТнинг Сомалидаги тинчлик йўлидаги уриниши муваффақиятсизликка учрагани тан олди. Бу ерда ҳамон қабилалар ўртасидаги урушлар давом этмоқда. Ҳозирча бу урушжанжалларни тўхтатишнинг иложи бўлмаяпти.

НОМЗОДЛАР АНИҚ

Францияда бўлиб ўтадиган Президент сайловларининг дастлабки босқичи 23 апрелда бўлади. Ҳозирча президентлик лавозимига 9 та номзод рўйхатдан ўтказилди. Улар орасида сайловолди кампаниясининг пешқадамларидан ҳозирги Бош вазир Э. Балладюр ва Париж шаҳри мэри Жак Ширак ҳам бор.

ДАВЛАТ КОТИБИ ФИКРИ

Америка Қўшма Штатлари Туркиянинг Ироқ шимолидаги ҳарбий ҳаракатларини қўллаб-қувватлаши бу ҳаракатларнинг қанчалик чегараланганлигига боғлиқ. Бу ҳақда АҚШ давлат котиби У. Кристофер Туркия ташқи ишлар вазири Э. Инен билан бўлган музокаралар тугагандан сўнг айтди. Маълумки, бу урушлар Курдистон Ишчи партиясининг базаларини тугатиш учун қилинаётган эди.

ТАШРИФ КЕЧИКТИРИЛДИ

Швеция Бош вазири Ингвар Карлсон Латвияга режалаштирган расмий ташрифини кечиктирди. Бунга валюта бозорида Швеция кронаси нархининг кескин тушиб кетгани туфайли мамлакат парламенти иқтисодий муаммоларни муҳокама этиши сабаб қилиб кўрсатилмоқда.

(Жаҳон ахборот агентликлари ва газеталаридан олинди.)

ЖАНГЧИ-ОЛИМ

Урушнинг даҳшатли йилларида ўзбек халқининг асл фарзандлари мардлик, жасорат, тенгсиз матонат кўрсатганлар. Шундайлардан бири бутун жаҳонга машҳур Панфилов дивизиясининг аввалига взвод, сўнгра эса рота командири лейтенант Икром Жалилов эди.

У 1941 йил июнь ойида Тошкентдаги ҳарбий билим юртини тугатгач, унга лейтенант ҳарбий унвони берилди ва уша йили Олмаота шаҳрида ташкил этилган 316-ўқчи дивизия ихтиёрига 1075-ўқчи полкнинг иккинчи батальони бешинчи рота иккинчи взвод командири сифатида юборилади. Шу йил август ойининг охирларида бу дивизия фронтга ташланади ва Москва остоналарида, хусусан Волокаламск райони «Боличево» совхози ҳудудида биринчи бор жангга киради. Жангнинг илк кунлариданоқ лейтенант И. Жалилов командирлик қилаётган взвод немис фашист қўшинларига мардонавор қаршилик кўрсатади. Шундай жанглар Крюковода ҳам давом этди. Уларда командирнинг шахсан ўзи мардлик ва қаҳрамонлик кўрсатди. Бу ҳақда Панфилов дивизиясининг собиқ полк командири истеъфодаги гвардия полковниги И. В. Карпов «Фрунзевец» газетасининг 1963 йили 5 январь сонида эълон қилинган мақоласида шундай ёзганди: «Москва остоналарида шиддатли жанглар кетарди. Айниқса, Крюково станцияси яқинидаги гишт заводи тепалиги учун оғир жанг бўлди. 1941 йилнинг декабрида бу тепалик бир неча марта қўлдан-қўлга ўтди. Жангларда лейтенант Жалилов мислсиз мардлик ва қаҳрамонлик кўрсатди. У жангчилар учун жасурлик намунаси бўлди».

1075-полкнинг штаб бошлиги ёрдамчиси А. И. Кузнецов Москва учун бўлган жангларни хотирлаб, ўзининг «Ватан учун жангларда» номли китобида шундай ёзган эди: «Душман ҳамон яқин келарди. Немислар сон жиҳатидан кўп. Жалилов биринчи бўлиб взводни ҳужумга кўтарди. Бу ҳужумни немислар қайтара олмай, саросимага тушиб қочдилар. Еттита гитлерчини Жалиловнинг ўзи янчиб ташлади. Уни ўз ишини яхши билганлиги, камтарлиги ва ҳақиқатпарварлиги учун севишарди». Сутоки қишлоғи учун бўлган жангларда Жалилов оғир ярадор бўлишига қарамай ротага командирлик қилишни давом эттирди. Фақат полк командирининг шахсан ўзи уни госпиталга жўнатишга буйруқ берганидан сўнгтина у бўйсунди.

Москва остоналаридаги жангларда кўрсаттан мислсиз жасорати учун И. Жалилов давлатнинг бир қатор унвон ва медалларига сазовор бўлди. Унинг кўксини биринчи даражали «Улуғ Ватан уруши» ордени, «Жасорати учун», «Москва мудофааси учун» медаллари безаб турибди. Тинчлик давридаги муносиб хизматлари учун ҳам у давлатимизнинг қатор мукофотлари билан тақдирланди. Лекин у ўзининг кўрсатган жасорати учун бундан ҳам юксак унвонларга лойиқ эди. Афсуски, урушнинг ўша оғир алғов-далғовли шароитида ҳужжатларнинг йўқолиши оқибатида унинг хизматлари етарли даражада тақдирланмай қолди.

Урушдан кейин ҳам у шижоат билан меҳнат фронтида муносиб хизмат қилди. У 1946 йили Тошкент юридик институтини қизил диплом билан тугатгач, кўп йиллар мобайнида республикамиз прокуратура ва адлия органларида хизмат қилди.

Эллик саккизинчи йилдан бошлаб И. Жалиловнинг илмий фаолияти бошланди. Шу йили у Узбекистон Республикаси Фанлар академияси Фалсафа ва ҳуқуқ институтига илмий ходим бўлиб ишга кирди. Домланинг бутун илмий фаолияти шу институтнинг тарихи билан чамбарчас боғланган. У кўп йиллар институтнинг қишлоқ ҳўжалиги ва табиатни муҳофаза қилиш ҳуқуқи бўлимига бошчилик қилиб келган. Ҳозир эса И. Жалилов етакчи илмий ходим. Илмий изланишлари қишлоқ ҳўжалиги муаммоларини ҳал этишга қаратилган. Илмий асарларида қишлоқ ҳўжалигини юритишда, унинг кўпгина жиҳатларини тартибга солишда ҳуқуқнинг орқада қолиб кетганлиги асослаб берилган ва уни ривожлантириш, такомиллаштириш йўллари ҳал этилган. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, И. Жалилов Узбекистонда ер ҳуқуқи фанига асос солган йирик олимдир. Унинг кўпгина асарлари ер қонунчилиги тарихи, ундан оқилона фойдаланиш, ерни ҳуқуқий муҳофаза қилиш масалаларига бағишланган.

Яна бир гап: И. Жалилов Узбекистонда қишлоқ ҳўжалик ҳуқуқи мактабини яратди. У нафақат йирик олим, балки катта ҳарфлар билан ёзиладиган чин Инсон ҳамдир. Аҳил оила йўлбошчиси, давримизга муносиб фарзандлар тарбиялаб берган ота, набираларига қалби дарё бободир. Иккинчи жаҳон урушининг қаҳрамон жангчиси, машҳур Панфилов дивизиясининг собиқ зобити, ҳозирда Узбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, юридик фанлари доктори, профессор, уруш ва меҳнат фахрийси Икром Жалиловга умри зиёдалик тилаб қоламиз.

Х. РАҲМОНҚУЛОВ,
Ўзбекистон Фанлар академияси мухбир аъзоси.
М. УСМОНОВ,
Ўзбекистон Фанлар академияси Фалсафа ва ҳуқуқ институтининг докторанти.

ҲИЛОЛ ВА ХОЧ

Шак-шубҳасиз, фашистлар Германияси чегаралардан ўтган 1941 йил 22 июндан Берлиндаги Рейхстаг қўрғонига ғалаба туғи ўрнатилгандан кейин зафар айёми сифатида белгилаб қўйилган 1945 йил 9 майгача кечган кунлар — 1418 кеча-ю кундуз мислсиз қаҳрамонлик солномасидир. Бу уруш ҳақида кўп ёзилди, яна ёзилади. Шуниси эътиборлики, ўша пайтдаги ер юзи нуфусининг чорак қисмини ўз домига банд этган (ахир қўлига қурол олиб қон кечган жангчилардан ташқари кимлардир уруш учун далада, заводфабрикада меҳнат қилган, бошқалар юртидан бадарға қилинган ва ҳоказо) бу даҳшатли бухроннинг ҳақиқий манзараси ҳамон чизилмоқда, лекин у барибир ҳамон тўлиқ эмас. Йиллар ўтган сари эса янги-янги ҳужжатлар топилиб, унинг янги қирралари очиляпти. Шу ўринда 1812 йил Наполеоннинг Россияга бостириб келиши ҳақидаги энг мукаммал асарлар қаторида турувчи Лев Толстойнинг «Уруш ва тинчлик» романи орадан ярим аср ўтгач яратилганини эътиборга оладиган бўлсак, фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг асл моҳиятини очиб берадиган янги асарлар келажакда ёзилса ажаб эмас.

Биз қуйида фикр юритмоқчи бўлган маълумот ҳам ҳозиргача деярли ўрганилмаган. Бунинг сабаблари турлича бўлиб, асосан уруш йилларининг зиддиятларини сир тутиш, ҳар бир нарсани коммунистик мезон билан баҳолаш оқибатидан келиб чиққан. Жумладан, Украинада тузилган Степан Бэндера бошлиқ исёнкорлар армияси — УПА ҳақида ҳам шундай бир ёқлама қараш ҳукм суриб келарди. Эндиликда эса мустақил Украина жамоатчилиги Бэндерани миллий қаҳрамон даражасида улуғлаяпти. Биз бу ҳақиқатни тасдиқлаш ёки инкор этиш вазифасини зиммамизга олмаймиз. Эътиборимизни тортган нарса — УПА соллномасининг 12-жилдига киритилган бир қўшиқ бўлди. Унинг матнини ҳозир республика Фанлар академияси Микробиология институтининг директори, Олий Мажлис қўмитаси раиси, академик Асқар Ғаниевич Холмуродовга Киевда аспирантурада ўқиб юрганида яқин дўсти, эндиликда тилшунос олим, Украина маданият институтининг ректори, профессор Ростислав Пилипчук тақдим қилган экан. Унда Украина исёнкорлар армияси — УПА сафларида жанг қилиб, қаҳрамонларча ҳалок бўлган ўзбек йигитининг жасорати куйланади.

Йилномада бу қўшиқ нотасининг ҳам илова қилиниши у тилдан тушмай куйланганидан далолат беради. Тўққиз банддан иборат матннинг сўзма-сўз таржимаси қуйидагича:

Эҳ, дала ўртасидаги бу ажабтовур қабрни Волинск замини бағрида сақлаётганидан бахтли. Қабр устида ҳилол (яримой) ва хоч (крест) турибди. Эҳ, ким Муҳаммадни Христос билан бирлаштирди.

Яна ажабки, ой тагидаги номаълум ёзувни ром ичига ким қўйди?

Эҳ, ким кимни қўмди ва ярим ой тагига ким хат битди?

Бу 1943 йил ёзида бўлганди, Ҳар қарич ер учун фашистлар билан уришардик. Шу қабр яқинида даҳшатли жанг бўлди. Шу қабр яқинида менинг ўртоғим йиқилди.

Тақдир зарбаси узоқлардан келган ботир жангчи — ёш ўзбекни олиб кетди. У бизнинг ғоямизга қалби билан берилиб, душманимизга биз билан бирга қарши курашди.

Тенгсиз жангда ярадор бўлиб, қонига беланиб ўлимини сезганда, кун чиқиш томонга меҳрли нигоҳини қаратди-да, видолашар экан, шундай деди:

«Украинлар!.. Мен душман билан жангда Эркин Ўзбекистон ва Эркин Украина учун ҳалок бўляпман. Сиз яқин дўстларим, ўзингиз ва, узоқда бўлсада, Ўзбеклар эрки учун курашяпсизлар...»

Биз жангчи ўзбеклар билан дўстимизни кўмдик. Бош тарафига ҳилол ва хоч ўрнатдик. Яна васиятини ёзиб қўйдик. — Ўзбеклар ой тагига, бизлар эса крест тагига.

Билингки, бу ғаройиб қабр эзилган халқларни қон билан боғлади. Бизлар барча мақсадимиз ва халқларимизни озодлик душманларига қарши курашда бирлаштирдик.

Даъватимизни барча эллар эшитсин — «Халқларга озодлик, одамларга озодлик!.. Қонхўр ва ёвуз босқинчиларга қарши УПАга бирлашиб курашайлик...»

АЛБАТТА, бу қўшиқ айнан ким, қайси баҳодир ўзбек йигити ҳақида тўқилгани номаълум. Урушнинг суронли йилларида эса кўплаб миллатдошларимиз турли жойларда, жумладан, Украина ҳудудларида номаълум тақдир исканжасига тушиб қолгани аниқ. Афсуски, уларнинг номи ҳам, жасорати ҳам номаълум. Бу қўшиқ эса юртдошларимиз ўз шаъни ва ғурурини ҳар доим юксак тутиб юргани ҳақидаги қасидадир.

Ҳаким САТТОРИЙ,
журналист.

Спорт

Халқаро мусобақа

РУСТАМ ПОЛВОНГА «ВОЛГА»

Термиздаги «Алпомиш» ўйингоҳи ҳар қачонгидан гавжумлашди. Ўтган дам олиш кунлари бу ерда ўзига хос спорт байрами бўлиб ўтди. Мухлислар ал Ҳаким ат Термизий хотирасига бағишланган миллий кураш бўйича халқаро беллашувларнинг шоҳиди бўлдилар.

Халқаро мусобақани анъанавий равишда ўтказилаётгани бежиз эмас. Боиси юртимизда қадриятларни эъзозлаш, хусусан узоқ йиллардан бери давом этиб келаётган полвонлар беллашувини янада ривожлантириш, оммавийлигини таъминлаш, маҳоратли спортчилар сафини кенгайтиришга алоҳида эътибор қилинмоқда.

Бу сафарги мусобақага ҳам алоҳида ҳозирлик кўрилди. Ўйингоҳ байрамона безатилди. Мусобақа иштирокчиларига шарт-шароитлар яратилиб, ғолибларга соврин ва эсдалик совғалари тайёрлаб қўйилди. Мақсад яқин келажакда миллий курашни Осиё ўйинлари дастуридан ўрин олишига эришишдан иборат.

Мусобақага турли мамлакат ва элатлардан полвонлар ташриф буюришди. Улар IX асрда яшаган буюк аллома, мутафаккир олим ат Термизий хотирасини яна бир бор ёд этдилар.

Спорт анжуманини вилоят ҳокими Ж. Норалиев кириш нутқи билан очиб полвонларга мардона курашда муваффақиятлар тилади. Мовий-яшил байроқ баҳор шабадасида ҳилпирай бошлади. Полвонлар ўз вазнларига кўра майдонга тушдилар Ш. Юсупов. М. Маҳмудов, В. Шимаков, А. Богдасаров, Т. Мухамадиев каби моҳир курашчилар ғолиблик супасига кўтарилганларида уларни ишқибозлар самимий олқишладилар. Уларга эсдалик совғалари топширилди.

Ўтган йилдагидек бу йилги баҳсда ҳам мутлақ ғолибни аниқлаш учун бошланган кураш муросасиз баҳсга айланди. Тошкентлик армиячи А. Қимматов, термизлик Б. Ҳасанов, шерободлик Б. Бегимқулов, қумқўрғонлик Ў. Тўраев, деновлик Э. Мамарасуловларнинг чиқишлари кўпчиликда яхши таассурот қолдирди.

Кураш майдонига қашқадарёлик Баҳром Авазов билан сурхондарёлик Рустам Эргашевнинг чиқишлари мухлислар эътиборини тортди. Бу ҳар иккала курашчидан бири мусобақанинг мутлақ ғолиби номига сазовор бўлиши керак эди. Халқаро мусобақалар совриндори, тажрибали полвон Рустам Эргашев шиддатли ҳаракатлар билан ғалабани ўз фойдасига ҳал қилишга астойдил интилди. Лекин Баҳром полвон ҳам бўш келмасликка, имкониятни бой бермасликка куч берди. Зеро, ҳакамлар Рустам полвон фаоллигини инобатга олиб, унинг қўлини кўтардилар. Шундай қилиб, Рустам полвон Эргашев халқаро мусобақанинг мутлақ ғолиби бўлди. У катта соврин — юртбошимизнинг «ГАЗ-31» «Волга» машинасидан иборат мукофоти эгаси бўлди. Мухлислар эса халқаро мусобақадан унутилмас хотиралар билан қайтдилар.

Олимжон УСАНОВ.
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Футбол

АРМИЯЧИЛАР БЎШ КЕЛИШМАЯПТИ

Олий табақа футбол жамоалари ўртасида мамлакат миллий чемпионатининг 3-тур учрашувлари бўлиб ўтди.

Бу галги учрашувларда дарвозалар жами 23 марта ишғол этилди. Деярли ғалаба билан якунланган ўйинлардан кейин жамоалар мавқеида сезиларли ўзгаришлар юз бериб, ўйинлар жадвалида пешқадамлар мавқеи мустаҳкамланиб бораётгани кўзга ташланди.

Жумладан, мамлакат чемпионлари — «Нефтчи» футболчиларининг кетма-кет учта ғалабага эришишлари, уларни 9 очко билан ягона пешқадамликни янада мустаҳкамлашларига имкон берди. Қизиғи шундаки, фарғоналик футболчилар дарвозаларни ишғол этишда ҳам ибрат кўрсатмоқдалар. Улар бугунгача дарвозани 11 марта ишғол этиб, бор-йўғи 1 тагина тўп ўтказиб юбордилар, холос. «Нефтчи» бу сафар «Навбаҳор» майдонида ўйнаб 3:0 ҳисобида устун келди. Шунингдек, Марказий ҳарбий спорт клуби жамоасининг ҳам мавқеи мустаҳкамланиб бормоқда. Армиячилар биринчи учрашувда ғалаба қозониб, иккинчисини дуранг, учинчи ўйинни ўз фойдаларига ҳал қилишди. Шундай қилиб, МХСК 7 очко билан иккинчи ўринга кўтарилди.

Пахтакорчилар ҳам бу сафар мухлисларни қувонтиришди. Улар «Наврўз» жамоасини қабул қилиб 3:1 ҳисобида ғалаба қозондилар. «Пахтакор» ҳисобидаги очколар 6 тага етди. Шунингдек «Сўғдиёна», «Нурафшон», «Трактор», «Темирйўлчи» жамоаларида ҳам 6 тадан очко бор. Қолган ўйинларда қуйидаги ҳисоблар қайд қилинди. «Нурафшон» — «Динамо» — 3:0, «Темирйўлчи» — «Чирчиқ» - 1:0 «Сўғдиёна» — «Атласчи»— 4:0, «Политотдел» — «Янгиер» — 1:1, «Трактор» — АСК-2:1, МҲСК—«Машъал» — 3:0.

ЎРИНБОСАРЛАР МАВҚЕИ

Биринчи табақа футбол жамоалари ўртасида иккинчи тур ўйинлари бўлиб ўтди.

Биринчи минтақага кирувчи жамоалар ўртасида «Прогресс» футболчилари очколарини 6 тага етказиб, пешқадам бўлиб олишди. «Ситора», «Зарафшон» футболчиларида 4 тадан очко бор. Иккинчи минтақада эса «Ғазалкент», «Бағдод» футболчиларида 6 тадан очко тўпланди.

ОЙБЕКНИ ЭСЛАБ

Самарқанд Давлат дорилфунуни, республика маънавият ва маърифат жамоатчилик маркази вилоят бўлими улуғ адиб Ойбек таваллудининг 90 йиллигига бағишлаб илмий-назарий конференция ўтказди.

Анжуманда Ўзбекистон Фанлар академияси мухбир аъзолари Т. Мўминов, Б. Валихўжаев, профессор С. Мирзаев, С. Каримов, доцентлар Х. Абдисамиев, Х. Ҳамдамов Ойбекнинг ижодий фаолияти ва адабий меросининг муҳим қирралари ҳусусида сўзлаб бердилар. Дорилфунун талабалари адиб ижоди асосида тайёрланган қизиқарли адабий-бадиий кеча дастурини намойиш этдилар.

Т. ФАРМОНОВ.

ЭЛ СОҒЛИҒИ ЙЎЛИДА

«Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси Жиззах вилоят бўлими туманлардаги соғломлаштириш шохобчаларига доридармонлар жўнатишда катта ишларни қиляпти.

— Ғаллаорол шаҳрида биринчи дорихонамизни очдик, — дейди жамғарманинг вилоят бўлими раҳбари М. Рустамова, — бундай дорихоналар яқинда вилоятнинг ҳамма бурчакларида иш бошлайди. Аҳолига саноат усулида эмас, балки табиий ҳолда тайёрланган доривор қайнатма ва дамламалар ишлаб чиқарадиган фитобарлар очаяпмиз. Бу йилги мавсумда табиий ҳолда ўсадиган доривор гиёҳлардан кўпроқ жамғариш ниятидамиз.

Пардабой ТОЖИБОЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Табиат мўъжизаси. **Эргаш ҚУЛМУРОДОВ олган сурат-лавҳа.**

"ЎЗБЕКИСТОН ҲАВО ЙЎЛЛАРИ"
миллий авиакомпанияси

"Тошкент - Нью-Йорк" йўналиши бўйича (Рига ва Амстердамда қўниб ўтилади) мунтазам авиақатновларни амалга оширмоқда. Парвозлар замонавий ва ҳар жиҳатдан қулай "А-310" аэробусида ҳар ҳафтанинг жума кунларида амалга оширилмоқда.
Тошкентдан учиш вақти - 05.50
Нью-Йоркка қўниш вақти - 15.30
Нью-Йоркдан учиш вақти - 18.00
Тошкентга қўниш вақти - 21.00
(Учиш ва қўниш вақтлари - маҳаллий вақт бўйича кўрсатилган).

UZBEKISTAN airways

"ЎЗБЕКИСТОН ҲАВО ЙЎЛЛАРИ" - қитъаларни яқинлаштиради!

Қўшимча маълумотларни авиабилетларни банд этиш ва сотиш мажмуасида олишингиз мумкин:

Тошкент шаҳар, Ш.Руставели кўчаси, 9-уй, телефонлар: 56-38-37, 006.

АВИАРЕКЛАМА

Ранг-баранг олам

150 ЁШГА УЧ ЙИЛ ҚОЛГАНДА...

Дунёдаги энг кекса кишилардан бири оламдан ўтди. У Хитойнинг Гуйчжоу вилоятида истиқомат қиларди. Гун Лайф исмли бу қария 147 ёшга кирганида кутилмаганда жигар касаллигидан вафот этди. Қарийб 1,5 аср умр кўрган бу кекса уйланмай, ҳеч қачон ичмай, чекмай фақат кунига икки маҳал гуруч ва жўхоридан тайёрланган таомлардан истеъмол қилган экан.

АСР ТЕНГДОШИНИНГ «ПАРВОЗИ»

Анисия Говроко исмли бувини уйдагилари кўчага чиқармай қўйишди. Сабаб: «Энди сиз қариб қолдингиз, ёшингиз ҳам 95 га етди, бирор кор ҳол юз бермасин», деб эҳтиёт қилишмоқчи бўлишган. Жонсарак онахон эса дугоналаринги соғиниб, ўзини қўярга жой тополмай қолди. Чунки кўп қаватли бинонинг йўлагида уззукун «дугона»лари билан гурунглашардида. Шу боис бувининг тоқати тоқ бўлиб ўзини 3-қаватдан ташлашга жазм этди. Фарзандлари-ю неваралари ҳайратдан ёқа ушлаб қолишди. «Тез ёрдам»ни чақиришди. Касалхонага ётқизишди. Лекин шифокорлар ҳайрон: «Ажабо, шунча баланддан сакраса ҳам бирор ерилат емабди-я», дейишди. Фақат салпал эти узилган экан. Шифокорлар яхшилаб қараб, ўша куниёқ бувига жавоб берди, деб ёзади «Вечерний Уфа» газетаси.

СЕМИЗЛИКНИ ҚЎЙ КЎТАРАДИ

Бразилиянинг Сан-паул шаҳрида антиқа воқеа юз берди. Бу ерда ўз вазни бўйича мамлакат чемпиони бўлган аёл истиқомат қиларди. Унинг вазни бор-йўғи... 401 килограммни ташкил этаркан. Қизиғи шундаки, бу аёл озишни орзу қилиб, бошқа шаҳардаги ихтисослаштирилган шифохонага ётмоқчи бўлди. Лекин у ергача бориш масаласи муаммога айланди. Учувчилар уни обориб қўйишга рози эдилар. Лекин бу хонимнинг самолёт эшигидан сиғмаслиги аён бўлиб қолди. Шундан кейин унга алоҳида ўриндиқ ясаб, юк машинасига ўрнатишди ва 10 нафар йигит ёрдамида унга ўтқаздилар. Ниҳоят, у ўзи мўлжаллаган касалхонага етиб келди. Энди аёлни касалхонага эшикдан олиб кириш дардисари бошланди. Бечора ишчилар деворни бузиб, унга йўл очишга мажбур бўлишди.

ЭРКАК ВА АЁЛ ДОНАЛАР

Америкалик рассом Леза Лидоу ўзининг 70 баҳорини антиқа қаршилашни ният қилди. У қадимий шатранж ўйинига янгилик киритмоқчи. Хусусан у шу пайтгача ўзига хос жангчиларни эслатиб келган шахмат доналарини турли қуринишдаги 16 нафар аёл ва шунча эркак қоматидаги доналар эгалласа қандай бўларкин, деган фикрга бормоқда. Бундай доналар билан шахмат ўйнаш рассомнинг фикрича, эркак ва аёллар баҳсига, қолаверса, худди ҳаётдагидек меҳр ва нафрат, яхшилик ва ёмонлик алломатларини ўзида акс эттириши мумкин экан. Фақат кимнинг қўли баландлиги бундай доналарда белгиланган шохдор аёлу эркакларнинг ҳаракатига қараб белгиланиши мумкин экан. Янгича шахмат билан Анатолий Карпов ҳам танишди. Ҳозир ҳамма гап бу янгиликка ФИДЕнинг қандай муносабат билдиришига боғлиқ бўлиб турибди.

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Бош муҳаррир: Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати:
Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Азиз ҚАЮМОВ, Алишер МАРДИЕВ, Аслиддин БОЛИЕВ(масъул котиб), Ислом ШОҒУЛОМОВ, Хайрулла ЖЎРАЕВ, Шоқосим ШОИСЛОМОВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

Хатлар ва оммавий ишлар бўлими - 33-76-04, 32-54-06.
Қабулхона -- 33-65-45, 32-55-15.

Реклама ва эълонлар бўлими тел: 33-38-55, 32-54-12.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда -- 5-27-11; Жиззахда -- 3-31-86; Нукусда -- 7-58-83; Урганчда -- 6-51-35;
Бухорода -- 3-54-87; Навоийда -- 3-75-43; Самарқандда -- 35-22-90; Фарғонада -- 26-37-16;
Гулистонда -- 2-26-22; Наманганда --6-43-43; Тошкентда-- 32-26-70; Қаршида -- 3-25-79;
Қумқўрғонда -- 5-26-24.

• Рўйхатдан ўтиш тартиби №00 120. • Газета офсет усулида А--2 форматида босилади.
• Ҳажми 2 босма табоқ. • Г -- 0144, 45220 нусхада босилди.

Навбатчи муҳаррир Ҳ. ИКРОМОВ, навбатчи Ҳ. ЭРМАТОВ.



МАНЗИЛИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти -- 21.00. Топширилди -- 20.30

1 2 3 4 5 6.